



Миср юрти дунёга Куръони каримнинг кўплаб машхур хофизлари ва билимдонларини етиштириб берган. Улар орасида машхур кори Мухаммад Сиддик Миншавийнинг алохида номи ва эътибори бор.

Мухаммад Сиддик Миншавий 1920 йили Мисрнинг Миншоҳ шаҳрида дунёга келди. Аллох таоло бу саодатманд болага гайриоддий бир истеъдод, кувваи хофиза, хавас килгулик зехну идрок ато этган эди. Буни сезган отаси унга тили чиқиши биланок илохий вахий каломларини ўргата бошлади. У Куръони Каримни жуда эрта хатм килди. Тўққиз ёшидан бошлаб хар йили минглаб намозхонлар хузурида Куръони мажидни хатм килар, бошка пайтларида тенгдошларига кироат ва тажвиддан сабоқ берар эди.

Мухаммад Сиддик ўсмирлигидаёқ Куръон илмларининг билимдони сифатида ном чикарди. Унинг вужудларни титратиб юборадиган майин ва ёкимли овози бор эди. Талаффузи хатосиз, нуксонсиз эди. Оятларни ўқиш ва тингловчига етказишда ўз услуби шаклланди. Аллохнинг Куръондаги амр-фармонлари ва ваъидлари, киёмат, дўзах, бандаларга бериладиган азоб зикр этилган ўринларни кироат килаётганида унинг овози хар қачонгидан баланд бўлар, гулдурос, жаранг кучаяр эди. Аксинча, Аллох таоло ваъда килган мукофотлар, жаннат, иймон эгаларининг охират дунёсидаги маком-мартабалари васфи келганида овози майинлашар, калбларга таскин ва ором берувчи оханглар сизиб кирар эди. У бир неча танловларда иштирок этиб, пешкадамлардан бўлди.

Атокли кори тез орада нафакат Мисрда, балки бутун дунёда бетакрор овоз сохиби, кироатда янги йўналиш, янги услубни бошлаб берган хофиз сифатида машхур бўлди. У Сурия, Кувайт, Форс кўрфази мамлакатларида бўлиб, минглаб мусулмонларга Куръон тиловат килиш тажрибаларини намоиш этди. Унинг янги услуби туфайли кориларнинг кироат ва талаффуз имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Мухаммад Сиддик Миншавий 1969 йили кирк ёшида саратон хасталигидан вафот этди. Аммо унинг Куръон тиловатидаги услуби, у таркатган куръоний илмлар жаҳон кориларининг бебаҳо мулкига айланди. Юзлаб шогирдлари устознинг махорат ва билимларини авлодларга етказишмоқда.

Закариё АХМАД